



**“ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT
MILLIY BANKI” АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЈАДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИНИНГ
27– сонли баёни**

Манзил: Ўзмилийбанк Бош офиси, Тошкент
шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй.

2024 йил “26” декабр
Иш вақти: 11:00 – 12.00

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 май санасида қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 77-моддасига асосан Кузатув кенгашининг раиси акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилиши, кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга ошириши белгилаб кўйилган. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ кузатув кенгаши раиси ҳизмат сафаридалиги муносабати билан йиғилишга кузатув кенгашининг аъзоси М.Норгитов раислик қилиши белгилаб олинди.

Йиғилиш Раёсати: М.Норгитов.

Йиғилиш котиби: Т.Файзиев.

Санок комиссияси: А.Бахромов, М. Юсупов, Ш.Мухамедова

КУН ТАРТИБИ

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2024 йил I-ярим йиллиги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш ва 2024 йил I-ярим йилдаги фаолияти натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2024 йил I-ярим йиллик яқунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти (*кейинги ўринларда – “Ўзмилийбанк” АЖ*) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Юридик хизмати бошлиғи Норгитов Мухитдин Жўрабоевич (*кузатув кенгаши аъзоси*) очди ва қуйидагиларни маълум қилди.

Банк кузатув кенгаши томонидан 2024 йил 4 декабрдаги 76 - сонли мажлис баёни билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда “Ўзмилийбанк” АЖнинг Уставига мувофиқ, Банкнинг акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2024 йил 26 декабрда чақирилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йиғилишни ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисидаги хабар 2024 йил 4 декабрда Банкнинг расмий веб-сайти ва Корпоратив маълумотлар ягона порталида, шунингдек 2024 йил 5 декабрдаги “Халқ сўзи” газетасининг 252 – сониди, 2024 йил 5 декабрдаги “Нородное слово” газетасининг 247 – сониди жойлаштирилиб, акциядорларнинг электрон почта манзилларига (“e-xat” орқали) йиғилиш тўғрисидаги маълумот ўрнатилган тартибда юборилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ҳамда кузатув кенгашининг қарорига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар рўйхатини тузиш санасини 2024 йил 4 декабр куни этиб белгиланган.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2024 йил 20 декабр ҳолатига шакллантирилган.

2024 йил 20 декабр ҳолатига банкнинг устав капитали **16 250 670 312 000,00** (*ўн олти триллион икки юз эллик миллиард олти юз етмиш миллион уч юз ўн икки минг*) сўмни ташкил қилади ва у **16 250 670 312** (*ўн олти миллиард икки юз эллик миллион олти юз етмиш минг уч юз ўн икки*) дона номинал қиймати **1000** (*бир минг*) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворумга эга эканлиги*) бўйича сўз санок комиссияси раиси – А.Бахромовга берилди.

“Ўзмилийбанк” АЖ акциядорларининг реестрига кўра, санок комиссияси томонидан 2024 йил 20 декабр ҳолатига акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга **16 250 670 312** (*ўн олти миллиард икки юз эллик миллион олти юз етмиш минг уч юз ўн икки*) дона оддий акциялар эгаси бўлган **2** (*икки*) та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – **6 617 804 648 (Олти миллиард олти юз ўн етти миллион саккиз юз тўрт минг олти юз қирқ саккиз)** дона (**40,72%**) оддий акциялар ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – **9 632 865 664 (Туққиз миллиард олти юз ўттиз икки миллион саккиз юз олти миш беш минг олти юз олти миш тўрт)** дона (**59,28%**) оддий акцияларга эгалик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-283-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Устав капиталидаги акция пакетлари бўйича акциядор ваколатларини амалга ошириш ва бошқариш функцияларини ишончнома асосида чекланмаган муддатга Иқтисодиёт ва молия вазирлигига берган (2023 йил 24 августдаги № ОЮ - 07/08-739- сонли ишончномага мувофиқ).

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг **16 250 670 312 (ўн олти миллиард икки юз эллик миллион олти юз етти миш минг уч юз ўн икки)** донасига ёки **100** фоизига эгалик қилувчи акциядор (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтганлиги ва умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворумга эга эканлигини маълум қилди.

Йиғилишга раислик қилувчи М.Норгитов “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва йиғилишда банк акциядорлари, Банк бошқаруви аъзолари ва банкнинг барча департамент директорлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;

2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2024 йил I-ярим йиллиги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш ва 2024 йил I-ярим йилдаги фаолияти натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

4. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2024 йил I-ярим йиллик яқунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи Т.Файзиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби кузатув кенгаши тавсияси билан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилганлигини айтиб ўтди.

“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркиби қуйидагича таклиф этилди:

1. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати менеджери - Баҳромов Алижон Акбарович;

2. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Портфель инвестицияларни бошқариш бўлими лойиҳа менеджери - Юсупов Мухаммаджон Алижон ўгли.

3. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати менеджер ассистенти - Муҳамедова Шахло Дилмурод қизи;

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

1. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати менеджери Баҳромов Алижон Акбарович;

2. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Портфель инвестицияларни бошқариш бўлими лойиҳа менеджери - Юсупов Мухаммаджон Алижон ўгли.

3. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати менеджер ассистенти Муҳамедова Шахло Дилмурод қизи;

Овоз берилди: 16 250 670 312 та овоз.

“Ёқлайман” – 16 250 670 312 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи Т. Файзиев кун тартибига киритилган масала бўйича ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилишини таклиф этди:

➤ маърузалар бўйича муҳокамага – 10 дақиқагача;

- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 10 дақиқагача;
- кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 5 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш тартиби белгиланиб олинди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

2. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қўйидагича тасдиқлансин:

- маърузалар бўйича муҳокамага – 10 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 10 дақиқагача;
- кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 5 дақиқагача.

Овоз берилди: 16 250 670 312 та овоз.

“Ёқлайман” – 16 250 670 312 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги *учинчи масала* - “Ўзмиллийбанк” АЖнинг 2024 йил I-ярим йиллик бўйича ташқи аудитининг ҳисоботини тасдиқлаш” юзасидан банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори Ф.Қодиров сўзга чиқиб қўйдагиларни таъкидлади:

Халқаро стандартлар (МҲХС) асосида тайёрланган консолидациялашган молиявий ҳисоботларга мувофиқ 2024 йил биринчи ярим йиллик якуни бўйича банк активлари 128 441 млрд.сўмни ташкил қилди. Йил бошига ушбу кўрсаткич 126 498 млрд.сўмни ташкил қилган ёки 1,5% га кўпайган.

Банк активларининг энг катта ҳажми (барча активларнинг 75,5 фоизи) кредит портфелига тўғри келади ва 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигига келиб 97 003 млрд. сўмни ташкил этди. Йил бошига ушбу кўрсаткич 94 783 млрд. сўмни ташкил этган ва йил бошига нисбатан 2 220 млрд.сўмга ёки 2,3% га кўпайган.

Марказий банк ва бошқа банклардаги вакиллик ҳисобрақамларидаги ҳамда нақд пул маблағлари 15 849 млрд. сўм бўлиб, активлар умумий ҳажмидаги улуши 12,3 фоизни ташкил қилди. Йил бошига нисбатан 1 471 млрд. сўмга ёки 10,2% га кўпайган.

2024 йил биринчи ярим йиллик якуни бўйича банк пасивлари таркиби қўйидагича:

- банк мажбуриятлари – 84,7% ёки 108 822 млрд.сўм
- банк капитали – 15,3% ёки 19 619 млрд.сўм

Мажбуриятларнинг умумий ҳажмидаги энг катта улуш (50,7%) жалб қилинган қарз маблағларини ташкил қилиб, 2024 йил биринчи ярим йиллик якунида

55 125 млрд. сўмни ташкил этди. Йил бошига нисбатан ушбу кўрсаткич 343 млрд.сўмга камайган.

Банк миқозларининг депозитлари қолдиғи биринчи ярим йиллик якуни бўйича 39 607 млрд. сўмни ташкил этди, шундан жорий ҳисобварақлардаги қолдиқлар улуши 42,6% ёки 16 874 млрд.сўмни, муддатли депозитлардаги қолдиқлар улуши 57,4% ёки 22 733 млрд.сўмни ташкил этди.

Бошқа банкларнинг депозитлари 7 477 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан ушбу кўрсаткич 4 020 млрд. сўм ёки 35% га камайган.

Банк капитали 19 619 млрд. сўм ташкил этиб, йил бошига нисбатан 1 133 млрд. сўмга ёки 6,1 % га кўпайган.

2024 йил биринчи ярим йиллик якуни бўйича банк даромадларининг асосий кўрсаткичлари:

- Фоизли даромадлар 5 950 млрд.сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 585 млрд.сўм ёки 10,9% га ошган. Фоизли харажатлар 2 943 млрд.сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 597 млрд.сўм ёки 25,4% га ошган.
- Коммиссион даромадлар 448 млрд.сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 116 млн.сўм ёки 34,9% га ошган. Коммиссион харажатлар 104 млрд.сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 27 млн.сўм ёки 35,3% га ошган.
- Соф фойда кўрсаткичи 1 515 млрд.сўмни ташкил этди.

Банкнинг 2024 йил биринчи ярим йиллиги натижалари бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида тайёрланган консолидациялашган молиявий ҳисоботи аудит текширувини “Deloitte va Touche” халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилганлиги ва ижобий хулоса олинганлигини қайд этди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун кўйидаги қарор матни овозга кўйилди:

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2024 йил I - ярим йиллик якуни бўйича “Deloitte va Touche” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

Овоз берилди: 16 250 670 312 та овоз.

“Ёқлайман” – 16 250 670 312 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги *тўртинчи масала* юзасидан банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори Ф.Қодиров сўзга чиқди.

2024 йилнинг I-ярим йиллик якунлари бўйича “Ўзмилийбанк” АЖ томонидан 944 952 231 657,95 сўм соф фойда олинди ҳамда режа кўрсаткичи (937 022 269 120,0 сўм) 101 фоизга бажарилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 49-моддасига асосан Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эканлигини ҳамда банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкинлигини таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек йиғилиш қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири- Д. А. Қўчқоровнинг 2024 йил 26 декабрдаги топшириғи ўқиб эшиттирилди.

Шунга кўра “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан I-ярим йиллик яқунлари бўйича олинган соф фойданинг 237 219 178 134,14 (18 348 872,52 АҚШ доллари) сўм (солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда) қисми пул кўринишида дивиденд тўлаш учун акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланиш ҳамда дивиденд тўловларидан кейинги қолган суммани тақсимланмаган фойда ҳисоб рақамида қолдириш таклиф этилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун кўйидаги қарор матни овозга кўйилди:

2024 йилнинг I-ярим йиллик яқунлари бўйича “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг соф фойдаси - **944 952 231 657,95 сўм** кўйидагича тақсимлансин:

Акциядорларга, уларнинг улушига мос равишда, пўл маблағлари кўринишида дивиденд тўлаш учун (*солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда*) – **237 219 178 134,14 сўм**

Бунда Солиқ тўловлари учун **11 860 958 906,71сўм;**

Иқтисодиёт ва Молия Вазирлигига -**91 773 240 590,34 сўм;**

Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасига- **133 584 978 637,09 сўм** йўналтирилади.

Дивиденд тўлаш муддати мазкур қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун ичида амалга оширилади.

Соф фойданинг қолган қисми банкнинг тақсимланмаган фойдаси сифатида қолдирилсин.

Овоз берилди: 16 250 670 312 та овоз.

“Ёқлайман” – 16 250 670 312 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

“Ўзмиллийбанк” АЖ

**акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши раиси**



М.Ж. Норгитов

Йиғилиш котиби,

Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи



Т.Б. Файзиев